

№40
(1474)
2023 YIL
19-OKTYABR

ЎЗБЕКИСТОНДА СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



Time o'zbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

ОНА ТИЛИ – ФУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ!



Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинганида биз талаба эдик. Халқимизнинг тақдири ва келажига дахлдор бўлган мазкур қонуннинг қабул қилиниши қизгин баҳсларга сабаб бўлган. Қонун чиндан ҳам кенг жамоатчиликнинг қатъий ишжояти туфайли қабул қилинган.

Албатта, она тилни асраб-авайлаш, унинг нуфузини ошириш, ривожлантириш мамлакат тараққиётининг муҳим омили ҳисобланади. Шу жиҳатдан мустақиллик йилларида ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мақоми мустаҳкамлаш йўлида кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда юртимизда давлат тилига бўлган эътибор кучайганлигини алоҳида таъкидласак арзийди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда давлатимизнинг “2020- 2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш” концепцияси муҳим аҳамият касб этди.

Шунингдек, юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун 21 октябрь санаси “Ўзбек тили байрами кун” деб эълон қилинган тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти фаолияти йўлга қўйилди. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда ўзбек тилини турли соҳаларда қўллашга оид тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Адиблар хиёбонида барпо этилган ёдгорлик мажмуалари адаби-

ётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқуярлари хотирасига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиром тимсолидир.

Атоқли адибларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз номидаги ижод мактабларида бугун ёшларимиз бебаҳо бойлигимиз бўлган она тилимиз ва миллий адабиётимизнинг сир-асрорларини ўрганмоқда. Буларнинг барчаси Президентимизнинг Учинчи юксалиш даври пойдевори яратилаётган бугунги кунда мустақил давлатчилигимиз тимсоли, маънавий бойлигимиз бўлган ўзбек тили тараққиётига юксак эътибори самарасидир.

Давлат тилини ривожлантириш борасида олиб борилаётган бундай саясий-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори ошиши баробарида ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ҳам ортиб бормоқда. Хусусан, ҳозирги кунда дунёда ўзбек тилида сўзлашадиганлар сони ортиб бораётгани, жаҳоннинг кўплаб олий таълим муассасаларида ва мактабларида ўзбек тили дарслари ўқитилаётгани, ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган хорижлик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаяётгани бунинг исботидир.

Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар кенгашига аъзо бўлгани эса нафақат иқтисодий-сиёсий, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошишига хизмат қилади, албатта. Ўзбекистон

Давоми 2 – бетда▶

ЎЗБЕКИСТОН – ГЕРМАНИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегация Германияда хизмат сафарида бўлишди.



Таъкидлаш муҳимки, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги делегациянинг Германияга хизмат сафари доирасида вакилларимиз илк учрашувни Германия тараққиёт банки (KfW) раҳбарияти билан ўтказди.

Берлин шаҳри мезбонлик қилган Германия – Шарқий Европа ва Марказий Осиё соғлиқни сақлаш форумида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири бошчилигидаги делегация ҳам иштирок этди. Германия шарқий бизнес ассоциацияси ва Германия соғлиқни сақлаш альянси томонидан олтинчи бор ўтказилган мазкур тадбирда вазири Амрилло Иноятов маъруза қилди. Шунингдек, вазири бошчилигидаги делегация тиббий технологиялар ишлаб чиқариш борасида дунёнинг етакчи компанияларидан бири – “Aescular” раҳбарияти билан ҳам учрашди. Музокаралар давомида “Aescular” академиясида 10 нафар ўзбекистонлик хирург малакасини ошириш ҳамда келгусида юртимизда мазкур академия мактабини очиб юзасидан келишувга эришилди. Бундан ташқари, делегация иштирокчилари хизмат сафари доирасида дунёга машҳур “Шарите” университети клиникаси директори доктор Йоахим Зейболд ҳамда бош шифокори Мартин Крайс билан учрашув ўтказди. Қизгин музокаралар якунида 2024 йил март ойидан бошлаб, “Шарите”да онкогематология, хирургия, нейрохирургия, педиатрия каби қатор соҳаларда тиббиёт мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, инновацион диагностика ва даволаш усуллари жорий қилиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш каби қатор масалалар юзасидан келишиб олинди. Унинг натижада кадрлар тайёрлаш, биргаликда илмий ишларни амалга ошириш бўйича кенг қўлмалли доимий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Берлин шаҳрида бўлиб ўтган Жаҳон соғлиқни сақлаш саммитига 100 дан ортиқ давлатдан 500 нафардан зиёд маърузачилар ташриф буюрди. Саммит доирасидаги

пленар йиғилишда вазири Амрилло Иноятов маъруза қилди ва юртимизда тиббиётни трансформация қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар билан йиғилганларни таништирди. Вазирининг чиқиши иштирокчиларда катта кизиқиш уйғотди. Иштирокчилар томонидан маърузачига савол билан мурожаат қилувчилар сони кўп бўлди. Улар Ўзбекистон тиббиётини трансформация жараёнини юксак баҳолаб, соҳадаги ютуқларни эътироф этишди. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирилик делегацияси “Heinemann Medizintechnik” компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашув ўтказди. Мулоқот давомида юртимизда янги ташкил этилган Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош-бўйин касалликлари илмий-амалий тиббиёт маркази қошида “Heinemann Medizintechnik”нинг ўқув-амалий академиясини очиб, мараказни компаниянинг юқори сифатли замонавий тиббий асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, ўзаро ҳамкорликда кадрлар тайёрлаш каби масалалар бўйича вазифаларга эришилди. Бундан ташқари, юртимиз делегацияси “Weinmann Emergency Medical Technology” компанияси раҳбарияти билан ҳам учрашувда мамлакатимиздаги тиббиёт муассасаларини компания асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш масалалари муҳокама этилди. Германиянинг Форххайм шаҳрида Соғлиқни сақлаш вазири бошчилигидаги делегация “Siemens Healthineers” компаниясининг савдо бўйича вице-президенти Бернт Бибер билан мулоқот қилди.

Учрашувда мамлакатимиздаги давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларига зарур тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, уларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган сервис-марказлар ташкил этиш ва мутахассислар тайёрлаш, соҳага энг сўнгги русумдаги инновацион технологияларни жорий этишга келишиб олинди.

@ssvuz

21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

ОНА ТИЛИ – ФУРУРИМИЗ, ИФТИХОРИМИЗ!

Давоми. Боши 5 – бетда▶

ташаббуси билан ташкилот Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотни таъсис этди. Она тилимиз Бирлашган миллатлар ташкилотининг юксак минбарига, улкан сиёсий саммит ва учрашувларда баралла янграмоқда. Яқинда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида ҳам Президентимиз ўзбек тилида нутқ сўзлаганида барчамизнинг кўнглимиз чексиз фахрга тўлди. Бундай онлар бардавом бўлишига ишонамиз. Зеро, бизнинг она тилимиз асрлар давомида жуда катта ҳаётий тажриба асосида шакланган ва сайқал топган бекиёс хазинадир. Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий сингари мутафаккирларимиз ундан баҳраманд бўлиб, дунё тамаддуни ривожига

муносиб ҳисса қўшганлар.

Тарихга назар ташласак, маърифатпарвар жадидларимизнинг ўзбек тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиш, тил таълими борасидаги дадил қадамларига гувоҳ бўламиз.

Мустабид тузум даврида ўзбек тилининг мавқени пасайтиришга уринишлар кўп бўлганидан хабардоримиз. Маърифатпарвар адиб Абдулла Қодирий “Ўзбек тили камбағал тил эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувчиларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар” дея хитоб қилган. Ҳали-ҳануз адабиётшунослар ўзбек романчилигининг асосчиси бўлган Қодирий асарларининг жозибadorлиги, умрбоқийлиги унинг тилидадир, деб эътироф этишади.

Она тилимиз тараққиёти ҳақида сўз юритганда, албатта, глобаллашув жараёнларида унинг софлигини сақлаш ма-

саласига ҳам эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Хусусан, реклама ва тарғибот материалларида, айниқса, тез кўзга ташланадиган ташқи рекламалар, телевидение, радио, ижтимоий тармоқлар орқали берилётган реклама-роликлардаги хатоликлар, ҳатто айрим тадбирларда мавзу ва шиорларнинг ғализлиги киши таъбини хира қилади. Баъзида ёзувда имло қоидаларига тўла амал қилмаслик, сўзлашувда турли тилларга оид атамаларнинг қоришиб кетиши, сўз ва ибораларни нотўғри, ўринсиз ишлатиш, талаффуздаги нуқсонлар, буларнинг барчаси она тилимиз талқини бузилишига олиб келадиган салбий вазиятлардир.

Бундай ҳолатларга қарши, энг аввало, юртимиз зиёлилари, ўзбек тили ва адабиёти соҳаси мутахассислари, ижод ахли, ёзувчи, шоирлар, журналистлар бонг уришимиз керак. Шундагина она тилимизнинг ривожига ва та-



раққиёти йўлидаги кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини ҳар қадамда кўрсатади.

Президентимиз таъкидлаганидек, бугун бизнинг Янги Ўзбекистонни қуриш бўйича олиб бораётган кенг қўламли ишларимиз ҳал қилувчи босқичга кирмоқда. Бу йўлда она тили миллий ўзига

хослик ва гурур тимсоли сифатида, шубҳасиз, биз учун катта куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назира МАТЯҚУБОВА,
“Қорақалпоғистон тонги”
газетаси бош муҳаррири,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист.

АНЖУМАН

АНЖУМАННИНГ САМАРАСИ ҚАНДАЙ БЎЛДИ?



Хабарингиз бор, Бухорода замонавий тиббиётда шошилинч тиббий ёрдам хизматининг долзарб муаммолари ва ўткир юрак-қон-томир касалликлари патологиясини даволашнинг самарали ечимларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда мамлакатимиздаги юқори малакали врач мутахассислар, илмий тадқиқотчилар билан бирга Америка Қўшма Штатлари, Европа ва Осиё мамлакатлари, жумладан, Озарбайжон, Германия, Италия, Ҳиндистон, Молдова, Россия, Руминия, Туркия, Польша, Хитой каби давлатлардан 90 дан ортиқ вакил онлайн тартибда ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Илмий баҳс-мунозара, замонавий тиббиётнинг айна кундаги муаммолари ва улар ечимига бағишланган мазкур анжуманда 250 дан ортиқ мутахассис врач бевосита катнашган бўлишса, мингдан ортиқ вакил онлайн тарзда иштирок этдилар. Масофа, эпидемиологик вазият ва бошқа сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларга қарамай, мазкур анжуманда жаҳон даражасидаги таниқли мутахассислар қаторида академик С. Багненко, профессор Башар

Жандер (Туркия), профессор Карим Сажади ва Саида Сажади (Дрексел университети, АҚШ) ва яна бошқа таниқли мутахассислар, шунингдек, ҳамкорлар – Жаҳон Банки лойиҳа муаллифларидан Элвира Анадолю хоним, Германия давлатининг “GIZ” ҳамжамияти Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Корнелия Беккер хоним ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуманда қайд этилганидек, мамлакатимизда шакланган шошилинч тиббий ёрдам хизматининг инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашдаги ўрни ниҳоятда муҳим. Шу сабабли юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, шу йил бошидан буён Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида 14 турдаги ва унинг худудлардаги 13 та филиалида 5 турдаги янги жарроҳлик ва ди-

агностика усуллари амалиётга татбиқ қилинди. Маърузачиларнинг таъкидлашича, дунёда қайд этилаётган ўлим ҳолатларининг катта қисми юрак-қон томир касалликлари ва уларнинг асоратлари билан боғлиқ. Кейинги ўринни турли жароҳатларга тегишли омиллар эгаллайди. Ана шу икки гуруҳга мансуб хасталиклар “олтин соат” ораллигида, зудлик билан шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш ҳамда юқори технологияли диагностика ва даволаш усуллари билан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бироқ 2021 йилгача бундай беморларга фақат вилоятлар марказларидагина тўлақонли тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжуд эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Президентимизнинг 2021 йил 26 июлдаги “Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ўтган даврда ушбу ҳужжат ижроси доирасида 39 та туманлараро қўшма шикастланиш ва ўткир қон-томир касалликлари маркази ташкил этилиб, улар 34 турдаги юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланди. Тегишли тор соҳа мутахассислари билан таъминланган ва 24 соат давомида узлуксиз

фаолият кўрсатувчи бундай муассасалар фаолияти натижасида кейинги йилларда беморлар орасида ўлим даражаси 3-5 фоизга камайди. Яқин келажакда бу каби марказлар сони яна 9 тага кўпайиши кутилмоқда.

Анжуманда хорижий ва маҳаллий етакчи мутахассислар томонидан маҳорат дарслари ташкил қилиниб, эликдан ортиқ беморга замонавий кам-инвазив даволаш усуллари қўлланилгани ҳолда турли хилдаги амалиётлар ўтказилди ва улар саломатлиги тикланди. Шунингдек, илмий-амалий музокараларда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали ва Туркия шошилинч тиббий ёрдам врачлари уюшмаси ўртасида ҳамда академик Иван Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети ўртасида ўзаро амалий ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Илмий назарий ҳамкорлик, амалий тажриба ва кўникмаларга доир тузилган келишув битимлари натижасида жорий йил ноябрь ойида 6 нафар бухоролик мутахассис

врач Туркия давлатининг етакчи тиббиёт клиникаларида, 5 нафар тор доирадаги мутахассисимиз эса академик Иван Павлов номидаги биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университетидан ўз соҳа йўналишлари бўйича билим малакалари ва тажрибаларини ошириш имконига эга бўлишади.

Умуман, Бухорода ўтган илмий-амалий анжуман конструктив аҳамиятга эга бўлди. Унда мутахассислар орттирилган тажриба ва билимларини бевосита Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалиётда татбиқ қилишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Бу каби тажриба алмашинуви ҳамда етакчи тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик ришталари мустаҳкамлаб борилади.

Маъмурахон САФОЕВА,
Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси
жамоатчилик билан ишлаш шўъбаси раҳбари.

ИСТИҚБОЛДАГИ МАҚСАДЛИ МАНЗИЛЛАР



Кўхна Самарқанд шаҳрида икки кун давомида Ўзбекистон офталмологларининг учинчи халқаро Конгресси онлайн ва офлайн форматда ўтказилди.

Анжуманда Германия, Россия, Туркия, Хиндистон, Озарбайжон, Украина, Қозоғистон, Арманистон, Швейцариядан 1500 нафардан зиёд офталмолог иштирок этди. Шунингдек, Республикамиздан 500 дан зиёд офталмологлар қатнашди. Эътирофлиси, шундаки, Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон офталмологларининг учинчи халқаро конгресси бошланишидан олдин Соғлиқни сақлаш ва-

зири Амрилло Иноятлов анжуман қатнашчиларига видеотабрик йўллади. Бу албатта, мазкур соҳада кўп йиллар давомида халқимиз саломатлиги йўлида фидойиларча меҳнат қилиб келатган тиббиёт ходимларининг маҳорат, тажриба ва амалиётдаги салоҳиятларига берилган юксак эътирофдир. Анжуманни Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори Аза-

мат Юсупов кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган фазолиятларга алоҳида тўхталди. Конгрессда республикамизнинг ёш офталмолог олимлари ўз маърузалари билан чиқиши учун алоҳида секция ташкил этилгани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда офталмологиянинг деярли барча йўналишдаги долзарб муаммолари, кенг тарқалган кўз касалликлари диагностикаси ва даволаш усуллари қамраб олинган, бу эса иштирокчиларнинг янада чуқурроқ илм олиши, тажриба алмашиши, малакасини ошириш имконини яратди.

– Биз Американинг Дамба шаҳридаги тиббиёт клиникаси-

да бу йўналишда ҳамкорликда амалий ишлар олиб борамиз, – дейди халқаро анжуман иштирокчиси, АКШлик мутахассис Эрик Абдуллаев. – 20 йилдан буён кўз микрохирургияси билан шуғулланамиз. Ҳамкорлик доирасида хирургия йўналиши бўйича замонавий усуллар ёрдамида мутахассисларни тайёрлаймиз. Бундан ташқари кўз жарроҳлигида шохпарда касалликларини даволашда самарали натижаларга эришмоқдамиз. Офтолмология соҳасидаги мазкур анжуман келгусида беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Мавзуга доир асосий маърузалардан сўнг бир гуруҳ иштирокчилар

тақдирланди. Халқаро анжуманининг иккинчи кунидagi сессия йиғилишлари савол-жавобларга бой тарзда ўтганлиги ҳам иштирокчилар учун қизиқарли бўлди.

Анжуман давомида хориждан ташриф буюрган олимлар, машҳур амалиётчи шифокорлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашди, янги илмий қарашларини баён этдилар. Истиқболдаги ҳамкорликлар бўйича ҳам келишиб олинди.

Абдулазиз
ЙЎЛДОШЕВ

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН

ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Бугунги тиббиёт ривожидида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва тиббиёт ходимларининг касб малакасини ошириш, хорижлик мутахассислар билан турли йўналишларда тажриба алмашиш амалиёти тобора оммалашиб бормоқда. Бу борада бизнинг марказ томонидан ҳам халқаро муносабатларни яхшилаш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Учрашув давомида соғлиқни сақлаш соҳасидаги, жумладан травматология-ортопедия йўналишидаги икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича ўзаро фикр алмашдик.

Шунингдек, Озарбайжон травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтига ташриф буюрдик ва марказ директори, профессор, Шахин Акбаров билан соҳаларимизнинг бир-бирига боғлиқ томонларини ва ҳамкорлик қилишда травматология-ортопедия йўналишидаги таклифлар юзасидан музокара олиб бордик.

Шундан сўнг, клиника ходимлари ҳамда бўлим раҳбарлари, клиника тузилиши, жойлашuvi, ўрин-жойлар ҳолати бўйича яқиндан танишиб чиқдик. Жумладан, клиника 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, 9 бўлимдан иборат, шифокорлар сони 60 нафарни ташкил этади, кунига 30 га яқин жарроҳлик амалиётлари ўтказилади. Шунингдек, бу ерда қўл-оёқ жарроҳлиги, артропластика ва артроскопия, катталар ортопедияси, катталар травма-

тологияси, поликлиника, тез ёрдам, физиотерапия бўлимлари бўлиб, асосан бўғим касалликлари, артроскопия, артропластика, суяк синишлари ва уларнинг асоратларини даволаш билан шуғулланилади. Ташриф давомида икки марказ раҳбарлари ўртасида травматология-ортопедия соҳасини янада ривожлантириш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида меморандум имзоланди. Бунинг баробарида, Озарбайжон Республикаси биринчи президенти Гейдар Алиевнинг 100 йиллигига бағишланган “Дегенератив касалликлар ва таянч-ҳаракат тизими жароҳат асоратлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда иштирок этдик. Анжуманда Ўзбекистон делегацияси илиқ кутиб олинди. Марказ ходимлари турли мавзуларга оид 5 та маърузалар билан чиқиш қилишди ва тақдимотлар намойиш қилинди. Ўзбекистон делегацияси томонидан намойиш қилинган тақдимотлар анжуман иштирокчилари орасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди ва катта қизиқиш уйғотди.

Айниқса, “Covid-19 кейинги йирик бўғимлар аваскуляр нерозиди комплекс нур ташхиси” мавзусидаги маърузам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Анжуман сўнгида икки давлат ассоциациялари ўртасида меморандум имзоланди.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасидаги ҳамкорлик бўйича клиникалар ўртасида травматология ва ортопедия соҳасида тажриба алмашиш, малака ошириш курслари ва маҳорат дарслари орқали мутахассисларни тайёрлаш, тадқиқот ва маслаҳатлар ўтказиш мақсадида мутахассислар алмашинуви, ўзаро манфаатли масалалар бўйича травматология ва ортопедия соҳасида ахборот алмашишга икки томонлама келишувга эришилди.

Муроджон ПРИСМЕТОВ.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

Жорий йилнинг 5-10 октябрь кунлари марказимизнинг 6 нафар етакчи ходимлари билан Озарбайжон травматолог-ортопедлар ассоциацияси кўмаги асосида Озарбайжон Республикаси биринчи президенти Гейдар Алиевнинг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Дегенератив касалликлар ва таянч-ҳаракат тизими жароҳат асоратлари” мавзусидаги илмий-амалий анжуманда иштирок этиб қайтдик.

Бу ташрифнинг асосий мақсади соғлиқни сақлаш соҳасида муваффақиятга эришган давлатлар билан икки томонлама

ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари – соғлиқни сақлаш, фармацевтика, рақамлаштириш, тиббий таълим ва илм-фан соҳалари, тиббий амалиётга юқори технологияларни жорий этиш бўйича етакчи тиббиёт олий ўқув юртлири, тиббиёт марказлари ва клиникалари вакиллари билан B2B, B2G, G2G форматда учрашувлар ташкил этиш натижасида ҳамкорликни ва хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтиришдан иборат бўлди.

Даставвал Озарбайжон травматолог-ортопедлар ассоциацияси директори Яшар Жалилов билан учрашув бўлиб ўтди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯДА ИННОВАЦИЯ: ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

Ўзбекистон травматолог ва ортопедларининг илмий-амалий конференцияси шу мавзуга бағишланди

Кунни кеча Навоий шаҳрида Ўзбекистон травматолог ва ортопедларининг “Йирик бўғимларнинг шикастланишлари ва ортопедик касалликларни даволашнинг инновацион усуллари жорий этиш истиқболлари” мавзусида хорижий мутахассислар иштирокидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.



Кейинги йилларнинг ўзига хос хусусияти суяк ва бўғимларнинг синиши ва касалликларни ташхислашда КТ, МРТ, ультратовуш текшируви, эндопротезлаш, артроскопия каби кўплаб замонавий хорижий технологиялар, шунингдек, жаррохлик йўли билан даволашнинг самарали усуллари кенг жорий этилмоқда.

ларини эндоскопик олиб ташлаш, блокловчи остеосинтез ва бошқаларни жорий этиш Республикамиз бўйича шикастланишлар ва ортопедия касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини оширишга хизмат қилмоқда.

сўнгги янгиликлар билан ўртоқлашдилар. Улар иштирокида конференция доирасида “Бўғимлар ва умуртқа поғонаси жаррохлигида минимал инвазив технологиялар” мавзусидаги сателлит симпозиумида умуртқа поғонасининг эн-

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан травматолог-ортопед шифокорлар, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази, тиббиёт институтлари кафедралари, илмий марказлар олимлари иштирок этишди. Анжуманда нафақат юртимиз, балки МДХ давлатларидан 23 нафар фан доктори ва профессорлар, 68 нафар фан номзодлари ҳам қатнашдилар.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Муроджон Ирисметов кириш сўзи билан очиб, марказ ҳамда худудларда шикастланишлар ва ортопедик касалликларни ташхислаш, даволашнинг юқори технологияларини жорий этиш борасидаги тажрибалар, мазкур йўналишда амалга оширилаётган

кенг камровли ишлар хусусида маъруза қилди. Таъкидландики, кейинги йилларнинг ўзига хос хусусияти суяк ва бўғимларнинг синиши ва касалликларни ташхислашда КТ, МРТ, ультратовуш текшируви, эндопротезлаш, артроскопия каби кўплаб замонавий хорижий технологиялар, шунингдек, жаррохлик йўли билан даволашнинг самарали усуллари кенг жорий этилмоқда. Йирик бўғимларни эндопротезлаш, транспедикуляр фиксация, елка бўғимида артроскопик операциялар, умуртқа диск чурра-

Мазкур тадбир битта ялпи мажлис ва учта пленар секциялардан иборат бўлди. Жумладан, унда травматология ва ортопедияда юқори технологиялар, артрологияда юқори технологияларни жорий этишнинг янги жиҳатлари, травматология ва вертебрологияда янги амалиётлар ҳамда ортопедияда диагностика ва даволашнинг янги технологиялари мавзуларида секцияларга бўлиниб, мутахассислар томонидан маърузалар тингланди ва муҳокамалар бўлиб ўтди. Шу-

нингдек, анжуман давомида таниқли ўзбек травматологи, хизмат кўрсатган фан арбоби, Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтида узок йиллар фаолият кўрсатган ва 1954-1963 йилларда директор лавозимида ишлаган профессор Одил Шокиров тававалудининг 115 йиллигига бағишланган видеофильм ҳам тақдим этилди.

Хорижлик меҳмонларнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди, улар ўз тажрибалари, хориждаги

доскопик жаррохлиги, артроскопия, тиззада уникондуляр эндопротезлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказилди.

Анжуман якунида соҳани янада ривожлантириш йўллари белгилаб олинди, келгуси йилларга амалга ошириш учун истиқболли йўналишлар белгилаб олинди. Шунингдек, ташриф буюрувчилар учун травматология ва ортопедияда қўлланиладиган замонавий дори воситалари ва тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи йирик маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Энг эътиборлиги маҳаллий ва хорижлик шифокорлар ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги клиникаларда 20 дан ортиқ кўргазмалли операциялар амалга оширилди.

Мавлон ЯХШИЛИҚОВ.
Сураглар муаллифи
Сирож АСЛОНОВ.

ДИЛ ИЗҲОРИ

ДАРДЛАРИМГА ДАВОНИ ШИРИН СЎЗЛАРДАН ОЛДИМ

Инсон учун унинг саломатлиги бебаҳо неъмат ҳисобланади. Айниқса, ёш ўтгани сари бу неъмат қадрини янада чуқур ҳис этиб, ҳар қандай оғир дардлардан ўзингни асрашга ҳаракат қилар экансан.

Кўп йиллар давомида маҳалла тизимида фаолият юритдим. Қанчадан-қанча инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларга ёрдам бериш учун бор имконият ва тажрибамни аямадим. Қишни қиш, ёзни ёз, жазирама демай эл-юрт савоби учун елиб югурдим. Бугун эса нафақага чиқиб, набираларим тарбияси ва уларнинг эртанги келажаги билан овораман. Аммо ўтган йиллар давомида ўз саломатлигимга эътибор бермай ишлаганим, эндиликда ўз таъсирини ўтказмасдан қолмапти. Тез-тез қон босимим ошиб, нафас олишга қийналаман, узок вақт юрсам дарров чарчаб қоламан, асаб тизимимда ҳам касаллик аломатлари борлигини сезганим учун мунтазам даволаниб юришга тўғри келмоқда.

Ўз саломатлигимни тиклаш мақсадида пойтахтимиздаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникасига мурожаат қилдим. У ердаги тажрибали шифокорлар қабулдан ўтгач, улар мени “Асаб касалликлар” бўлимида

ётиб даволанишимни тавсия қилишди. Бўлим бошлиғи, ўз касбининг мохир устаси, тажрибали шифокор Наргиза Мирза-аҳмедова мени қабул қилар экан, унинг билим ва тажрибаси, хушмуомалилиги мени жуда мамнун этди. Айниқса, бўлимдаги соғлом муҳит ҳамда бир-биридан чакқон ҳамширалар, физиотерапия бўлими ходимлари ва жамоадаги барча тиббиёт ходимларининг ўз касбларига бўлган садоқатлари, шунингдек, даволанувчиларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифатлилиги мени бефарқ қолдирмади. Бўлим бошлиғи Наргиза Мирза-аҳмедованинг касаллик тарихим билан танишиб, керакли даво муолажаларини қабул қилишим зарурлигини тушунтирди. Ҳозирги ҳолатим анча яхши. Қон таҳлилларим ва бошқа диагностика ташхиси асосида тўлиқ даволандим. Мени ўзига тортган жиҳати, бу ердаги ходимларнинг беморлар билан хушмуомалада бўлиб, ширинсуханлиги, ҳар бир ишни меҳр билан бажариши, тўғри ва холисона маслаҳатлари мени янада тезроқ оёққа тури-



шимга сабаб бўлди. Демак, ҳар қандай дарднинг давоси, бу аввало ширинсўз ва хушқаломда экан. Бу борада клиника бош врачлари, талабчан раҳбар Санжар Матқаримовнинг қатта жамоага бош бўлиб, соғлом рақобат муҳитини яратгани ва беморларга яратиб берилган шароитлари барча беморларни бирдек мамнун қилиши табиий.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мен шифокорнинг аҳил жамоасига миннатдорчилик билдириб, уларнинг халқ саломатлиги йўлида олиб бораётган эзгу ишларига улкан зафарлар тилаб қоламан.

Ҳикоят ТОЛИПОВА,
Навоий вилояти
Кармана тумани.

ТИББИЙ СУҒУРТА

"ЭЛЕКТРОН ПОЛИКЛИНИКА" ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАРГА ЭГА?

Ақсарият касалликларнинг илдизи асаб бузилишига бориб тақалиши кўпчиликка маълум. Бироқ бу ҳолат айнан тиббиёт муассасасининг ўзида содир бўлса-чи?! Ҳар қандай инсоннинг таъби хира бўлиши аниқ.

Тўғри-да, жони азобда қийналаётган қайси беморга шифокор қабулига узундан-узок навбатда туришу ортиқча оворгарчиликлар ёқади, дейсиз?! Ҳеч кимга!

Тасаввур қилинг, танингиз оғриб, оилавий поликлиникага бордингиз. Муассасага киришингиз билан рўйхатхонанинг кичик ойнаси ёнидаги узун ва турнақатор навбатни кўриб, оғрингиз икки ҳисса ортади. Минг машаққат билан қўлингизга тиббий карта тегиб, шифокор хонаси олдига келдингиз. Аммо бу билан муаммонгиз ҳал бўлмайди. Аксинча, бу ерда сизни яна бир навбат қарши олади. Шифокор қабулига киргунингизча бемор болаларнинг йиғиси, катталарнинг навбат талашиб, тортишишлари сабрингизни янада синайди...Очиги, бу ҳолат ҳеч биримизга бегона эмас. Яқин йилларгача оилавий поликлиникаларда кўпчилигимиз юзлашган вазият бу.

Хўш, бугун-чи? Ҳозир ҳолат қандай?

Элдор БОЙМИРОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий суғуртани ривожлантириш бўлими бошлиғи:

– Президентимизнинг тегишли қарорларига асосан бирламчи тизимда давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий қилишда “Электрон поликлиника” ахборот тизимининг алоҳида ўрни бор. Ушбу янги тизим йўлга қўйилиши натижасида вазият қисқа муддатда ижобий томонга ўзгариб, электрон навбат, беморларни рўйхатга олиш, шифокор қабулига ёзилиш, электрон рецепт ёзиш, электрон ягона тиббий карта шакллантириш, юритиш ва уларни шифокорга йўналтириш ҳамда электрон лаборатория каби янги ва замонавий имкониятлар жорий этилди. Бунинг учун барча оилавий ва кўп тармоқли марказий поликлиникалар локал тармоққа улашиб, замонавий компьютерлар билан таъминланди. Ҳамширалар ва шифокорлар компьютер саводхонлиги бўйича ўқитилди.

Оилавий шифокорларга бириктирилган аҳоли электрон ахборот тизимида рўйхатга олиниб, минимал ахборот киритиш орқали ягона идентификация қилиш имкони яратилди. Бунинг афзаллиги шундаки, бемор идентификацион рақам орқали шифокор қабулига ёзилади ва



навбатга қўйилади. Ҳатто аҳоли уйдан туриб, қабулга ёзилиш, навбатга қўйиш имконига эга бўлди. Натижада рўйхатхона ва шифокор эшиги олдида соатлаб навбат кутишларга чек қўйилди. Яъни регистратор узоғи билан 1 ёки 2 дақиқада фуқаронинг идентификацион рақами орқали шифокор қабулига талон беради. Шунингдек, шифокор қабулига навбат кутиш учун рўйхатхонага мурожаат қилмасдан поликлиникага ўрнатилган инфокиоскка паспорт серияси ва рақамини киритиш орқали ҳам талон олиш имкони яратилди. Бу ҳам оилавий ва кўп тармоқли поликлиникалардаги тирбандликларнинг олдини олаётир. Фуқаро оилавий шифокор қабулига талон олгач, аввал поликлиникада Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиясига кўра ташкил этилган шифокоролди кўриги хонасига мурожаат қилади. Бу ерда амалиётчи ҳамшира томонидан кўрсатма ҳамда режага мувофиқ

аҳоли скрининг текширувларида ўтказилади. Текширувларда аниқланган хавф электрон тизим орқали оилавий шифокор компьютерида кўринади. Натижада амалиётчи ҳамширанинг қабул журнали электрон шаклда қайд этилиб, тўлдиришга кетадиган 5-8 дақиқа вақт тежалади. Шу билан бирга, оилавий шифокорнинг 30 фоиз иш юқламаси амалиётчи ҳамшира томонидан бажарилиши ҳисобига унинг ҳар бир бемор учун 5-6 дақиқа ўрнига 15-20 дақиқа вақт ажратиш имкони яратилди. Шунингдек, мазкур тизим орқали оилавий поликлиникаларга мурожаат қилаётган аҳоли оилавий шифокорларга бириктирилиши ҳамда уларнинг соғлиги тўғрисида электрон маълумотлар базаси яратилиши йўлга қўйилди.

"Электрон поликлиника"нинг яна бир қулайлиги шундаки, бирламчи тиббий-санитария муассасаларида узок йиллар тиббиёт ходимларининг “қўлини

боғлаган” 27 та тиббий-ҳисоб шаклининг 16 таси рақамлаштирилди. Шунингдек, жорий йил 1 октябрга қадар яна 8 та ва йил якунигача 3 та тиббий-ҳисоб шакллари рақамлаштирилиши режалаштирилган. Натижада қўл меҳнатига барҳам берилиб, шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг ҳужжат тўлдиришга кетадиган вақти тежалади ва беморга кўпроқ вақт ажратиш имкони пайдо бўлади.

Бир сўз билан айтганда, электрон поликлиника тизими аҳолининг шифокор қабулига ёзилиш учун вақт ажратиш, ўқиш ёки ишдан қолиб, клиникага бориш, мутахассисни танлаш ва шифокор қабулига кириш учун турнақатор навбатга туриш каби азалий муаммолардан буткул халос этмоқда.

@ssvuz

САЙЁР ТИББИЙ КЎРИК

ОНКОСКРИНИНГ ВА САЙЁР МАММОГРАФИЯ КЎРИК-ОНКОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШДА САМАРА БЕРМОҚДА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотиغا кўра дунёда ўлим кўрсаткичлари бўйича юрак қон томир тизими билан боғлиқ касалликлар энг олдинги ўринларда турган бўлса, ундан кейинги ўринларни аёллар орасида учрайдиган кўкрак беши ва бачадон бўйни саратони, ошқозон-ичак, бахтсиз ҳодисалар оқибатида юзага келадиган ўлим кўрсаткичлари эгаллайди.

саккиз ойи давомида рўйхатдан ўтган ва даволаниш курсини олаётган 3129 нафар хотин-қиздан 290 нафаридан кўкрак беши ва бачадон бўйни саратонини билан боғлиқ касалликлар аниқланди,—дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Сирдарё филиали директори Сундр Урунбаев.— Шу



Эътиборли томони, кўкрак беши ва бачадон бўйни саратони билан касалланган, марказ филиалида даволанаётган беморларни саломатликларини тиклаш, улар ҳолатини назорат қилиб бориш мақсадида Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда тиббий кўрик ташкил этилиб, беморларни саломатлик кўрсаткичи таҳлил этиб борилмоқда.

Куни кеча, шу мақсадда, марказ мутахассислари Абдуғаффор Расулов, Бекзод Усмонов, Бобур Соипов, куратор Икром Ҳайдаров томонидан ташкил этилган навбатдаги тиббий кўрик, онкологик касалликлар сабаб даво муолажаларини олаётган бемор ва уларнинг яқинларига умид бахш этди.

— Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо, лекин ўйлаб қарайдиган бўлсак, марказ филиалида, марказ ходимла-

ри, малакали ва етакчи онколог шифокорлар томонидан ташкил этилаётган бундай кўриклар, нафақат сирдарёлик соҳа ходимлари учун маҳорат ва тажриба алмашилишида, хасталиги сабаб марказ филиалида даволанаётган беморлар учун зарур тиббий маслаҳат олишади,—дейди Сундр Урунбаев.

Бу ишларни йўлга қўйилишида Президентимизнинг 2019 йил апрелда Бухоро вилоятига ташрифи чоғида соҳа ходимларига берган топшириғи асосида Сирдарёга келтирилган кўчма маммография комплекси, туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаларига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиникаларда онкоскрининг хоналарини ташкил этилгани марказ филиали ходимлари учун ниҳоятда қўл келмоқда.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.



Ассийси, бу турдаги касалликларни олдини олиш, кўкрак беши ва бачадон бўйни касалликларини эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш каби масалалар дунёда бўлгани каби, юртимизда ҳам долзарб ва кечиктириб бўлмас масалалар сирасига киритилган.

Шу мақсадда, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Сирдарё вилоятида ҳам Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг Сирдарё филиал ходимлари томонидан, нафақат

Гулистон шаҳрида, вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам онкоскрининг кўрик ва сайёр маммография текширувлар ташкил этилиб, хотин-қизлар орасида учрайдиган кўкрак беши ва бачадон бўйни саратонини барвақт аниқлаш, даволаш борасида кенг қамровли ишлар йўлга қўйилди.

Бу эса, ўз навбатида хотин-қизлар орасида учрайдиган кўкрак беши ва бачадон бўйни саратонини эрта босқичларда аниқлаш, даволаш имконини бермоқда.

— Агар мисолларга мурожаат этгудек бўлсак, жорий йилнинг

мақсадда, жойларда, ҳудудларда ўтказилаётган онкоскрининг кўрик ва сайёр маммография текширувларига 160 минг 536 нафардан ортиқ, 45 ёшдан 65 ёшгача бўлган аёлларни қамраб олган бўлсак, эндиликда 45 ёшгача бўлган хотин-қизларни онкоскрининг кўрик ва сайёр маммография текширувларидан ўтказиш, кўкрак беши ва бачадон бўйни саратонини эрта босқичларда аниқлаш мақсадида жойларда, ҳудудларда тиббий кўрик ва тарғибот тадбирларини изчил давом эттиряпмиз.

ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ

ФАРЗАНДИНГИЗ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИНИ БИЛАДИМИ?

Барчамизга маълумки, тилсиз ёвдан эҳтиёткорлик билан фойдаланилмаса, оқибатида кўнгилсизликлар, баъзан фалокатлар, кўплаб моддий йўқотишлар келиб чиқиши мумкин.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкни кўз қорачиғидай сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши лозимдир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, профилактик тадбирлар орқали кенг тушунчалар бериб бориш, содда қилиб тайёрланган ёнғин хавфсизлиги қоидалари мураттабланган турли тарғибот материалларини ёш болаларга мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатиб бориш самарали тарғиботлардан ҳисобланади. Шу билан бирга катталарнинг бепарволиги сабаб, минг афсуски, ёш болаларни уйда қаровсиз қолдириш натижасида, ўйинқароқлик билан

гугурт ўйнаб, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўладиган ҳолатлар ҳам мавжуд.

Статистика маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, инсонларнинг, айниқса, ёш болаларнинг ёнғинларда вафот этиш ҳодисалари йилнинг кузқиш фаслларига тўғри келади. Бундай ҳодисалар катталарнинг айби билан ҳамда болаларнинг олов билан ўйнашлари оқибатида содир бўлади. Айрим ҳолатларда уйда ёлғиз қолдириб кетилган ёш болалар катталарга тақлид қилиб гугурт ёқишади, кўринарли жойда қолдирилган электр дазмоллари ва электр плиталарини ёқишади. Кўпчилик ҳолатларда аксарият вафот этган болаларнинг ёшлари 4-8



ёшни ташкил этади.

Бутун дунё статистика маркази ("СТП")нинг маълумотиغا кўра жаҳонда соатига ўртача 1000 та, бир дақиқада эса 17 та ёнғин содир бўлади. Ёнғинлар оқибатида бир соатда ўртача 10 нафар, ҳар 100 та ёнғинда 1 нафар инсон ҳалок бўлиши ҳолати кузатишмоқда.

Эсингизда бўлсин:

тақиқлар қизиқувчанликни кўзгатади, мустақиллик истагини кучайтиради ва қайтарилмас оқибатларга олиб келади. Сиз эса ёнғин содир бўладиган ҳолатларда, унга қандай муносабатда бўлишни тушунтиришингиз муҳим аҳамиятга эга.

1. *Бола ўз манзилни, фамилиясини, исминива телефон рақамини билиши керак! У билан ушбу маълумотларни билиб олинг.*

2. *Ёнғувчан қурилмаларни болалар қўли етмайдиган жойда сақланг.*

3. *Авалло ўзингиз намуна бўлган ҳолда, электр жиҳозларини, айниқса кичик жиҳозлар (дазмол, фен, қаҳва қайнатгич, электр чойнак ва бошқалар) ни қандай ўчириб қўйишни кўрсатинг.*

4. *"Гугурт болалар учун ўйинқароқлик" эмаслигини эслатишни унутманг.*

Мухтасар қилиб айтганда, ёнғин назорат қилиб бўлмайдиган ёниш жараёни бўлиб, агар ҳар биримиз белгиланган тартиб қоидаларга қатъий амал қилиб, эҳтиёт чораларини кўрадиган бўлсак, ёш болаларни қаровсиз қолдирмасдан, уларга ёшлигидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўқитиб борсак, жойларда юз бериши мумкин бўлган ёнғинларни олдини олиб, нафақат фарзандларимизни балки ўз ҳаётимизни сақлаб қолган бўламиз.

Жанибек САЛИМБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси
маъмурий биноларида
ЎХТТЭБ 4-бўлинма
кичик инспектори,
катта сержант.

АКТУАЛЬНАЯ ТЕМА

УЧЕНЫЕ НАШЛИ СПОСОБ ПРЕДОТВРАТИТЬ ИНФАРКТ

*Ученые из Самарского университета нашли способ предотвратить инфаркт и другие заболевания сердца. Они начали разрабатывать методику для оценки эластичности сосудов по сердечному и пульсовому ритму пациента, говорится в научном журнале *Biomedical Engineering*.*

НОВАЯ МЕТОДИКА

Как объяснили в университете, кровеносная система человека имеет множество характеристик, которые важно контролировать для поддержания здоровья. Эластичность сосудов – одна из ключевых: чем жестче их стенки, тем больше вероятность скачков давления и развития заболеваний вроде атеросклероза, сердечной недостаточности, инфаркта и инсульта.

Сегодня для оценки эластичности сосудов используются методы на основе ультразвуковых и рентгеновских систем диагностики. Для этого пациентов направляют в клиники с профильными специалистами и дорогой аппаратурой. Сотрудники Самарского национального исследовательского университета имени академика С.П. Королева придумали более простой и бюджетный способ оценки состояния сосудов – он основан на анализе различий сердечного и пульсового ритма пациента.

По словам доцента кафедры лазерных и биотехнических систем Самарского университета **Александра Федотова**, колебания давления могут привести к изменению эластичности артериальных сосудов, что и вызывает дополнительную вариабельность частоты пульса. Именно эта разница и является маркером способности стенок сосудов к растяжению.

– Будущая методика заключается в одновременной регистрации электрокардиограммы человека и пульсовой волны (сигнал с пульсоксиметра) с последующей компьютерной обработкой и оценкой различий во временной структуре сердечного и пульсового ритмов: чем слабее выражены или вовсе отсутствуют эти различия, тем сильнее снижена эластичность артериальных сосудов, что может свидетельствовать о развитии атеросклероза, – **рассказал ученый**. По словам исследователя, внедрение простой методики

неинвазивной оценки эластичности артериальных сосудов человека поможет повысить эффективность ранней диагностики атеросклероза и предупредить возникновение инфаркта миокарда.

Теперь ученые собираются привлечь к обнаруженным ими закономерностям внимание физиологов, чтобы дальше работать над своей методикой. В будущем она сможет применяться вместе с существующими скрининг-методами кардиологической диагностики, например дополнять классическую регистрацию клинической электрокардиограммы и анализ крови.

ВРАЧЕБНЫЙ ИНСТРУМЕНТ

По мнению врачей делать оценку эффективности нового метода пока рано: для этого нужны дополнительные исследования с участием реальных пациентов.

– Прекрасно, если у нас появится доступный метод, который говорит об эластичности сосудов, однако инфаркт – это мультифакторное заболевание, – **отмечает директор по лабораторной медицине компании «ЛабКвест» + «Q-Клиника», кандидат медицинских наук Любовь Станкевич**. – Бывает такое, что сосуды человека находятся в идеальном состоянии, зато у него не в порядке липидный профиль и проблемы с сердечной мышцей. И риск инфаркта сохраняется.

Поэтому, считает эксперт, новая методика может пригодиться врачам – но не сама по себе, а как хороший инструмент в оценке состояния стенок сосудов. Для того чтобы предотвратить инфаркт у человека, врачам также важно оценить генетику пациента и на уровне молекул.

– Что такое молекулярные изменения в плане предотвращения инфарктов? Это белок тропонин в крови – свидетельство разрушения клеток миокарда. Это обновленный вы-

сокочувствительный маркер, который задолго до инфаркта может указать на людей с повышенным риском. Второй маркер – это специальный гормон NT-proBNP, натрийуретический пептид. Это уже точно сигнал SOS, – **объясняет Любовь Станкевич**.

Для обоих маркеров разработаны количественные критерии оценки риска развития сердечно-сосудистых проблем у еще здоровых людей (тропонин) и шкала оценки сердечной недостаточности (NT-proBNP). При этом последний консенсус Европейского общества кардиологов в 2022 году выделил в отдельную стадию сердечной недостаточности ту, которая ставится на основании отклонений в этих маркерах.

– Можно сказать, что это прецедент, когда клиническое заключение основано на лабораторных показателях без симптомов и без других данных – только на основании измерений NT-proBNP и высокочувствительного тропонина. – Любые симптомы, как бы рано мы ни научились их распознавать, – это всё равно сигналы катастрофы. А нам нужно ее не допустить. И чем раньше мы эти риски оценим, тем быстрее начнем предпринимать действия, чтобы спасти пациента.

По ее словам, на раннем этапе диагностики еще не нужны ни хирургия, ни ангиография – только изучение своей генетики, коррекция питания и образа жизни. И если с генетикой и липидным профилем уже не всё в порядке, требуется фармакологическая коррекция с помощью специальных препаратов, предотвращающих прогрессирование атеросклероза у пациента.

ЧТО ТАКОЕ ИНФАРКТ

Как объясняет врач-кардиолог ФНКЦ ФМБА России Татьяна Пелагеина, инфаркт – это острое состояние, возникающее из-за недостаточного кровоснабжения сердечной мышцы в результате закупорки одной или нескольких коронарных артерий. Это происходит, когда тромб, сформировавшийся на поврежденной артериальной стенке, блокирует приток крови. Инфаркт приводит к повреждению сердечной мышцы и серьезным последствиям, вплоть до смерти человека.

В группе риска инфарктов находятся люди с гипертонией, высоким холестерином, сахарным диабетом, ожирением, а



также физически неактивные и курящие пациенты, чаще всего мужчины. Также вероятность инфаркта повышается с возрастом – после 40 лет.

Впрочем, по словам кардиолога, в последнее время в России и в мире растет число инфарктов среди молодых людей.

– Предпосылками того, что инфаркт молодеет, могут быть изменения в образе жизни: плохое питание, сидячий образ жизни и стресс, – говорит Пелагеина. – Кроме того, рост заболеваемости сердечно-сосудистыми заболеваниями сказывается на том, что молодые люди не обращают внимания на начальные симптомы, откладывая поход к врачу.

КАК РАСПОЗНАТЬ ИНФАРКТ

По словам кардиолога ФНКЦ ФМБА России, предвестниками инфаркта обычно становятся давящие боли в грудной клетке, которые могут распространяться на левую руку, шею, челюсть или спину человека. Также у пациента могут возникнуть одышка, головокружение, слабость, тошнота и потливость.

– Важно обратить внимание на эти предупреждающие признаки, чтобы вовремя обратиться к врачу за помощью, – **отмечает Татьяна Пелагеина**.

Более детальные симптомы инфаркта могут включать ощущение сжатия или жжения в груди, боли, распространяющейся вниз по левой руке, по шее, по челюсти, по спине, одышку, потливость, тошноту и выраженную бледность кожи. В некоторых случаях может возникнуть паническое состояние или даже потеря сознания. Все эти симптомы требуют немедленной медицинской помощи.

– В случае инфаркта каждая

минута имеет значение, поэтому необходимо сразу вызвать скорую помощь. Врачи проведут диагностику и установят дальнейший план лечения, который может включать применение лекарств, ангиопластику (расширение закупоренной артерии) или даже коронарное шунтирование (прохождение обходным путем крови мимо участка суженной артерии), – **заключает собеседница «Известий»**.

ПРОФИЛАКТИКА ИНФАРКТА

Для профилактики инфаркта существует несколько способов. Кардиолог Татьяна Пелагеина называет самыми важными следование здоровому образу жизни, которое включает правильное питание, регулярные физические упражнения, отказ от курения, и управление стрессом.

– Контроль артериального давления и посещение врача при появлении жалоб помогут выявить возможные проблемы заранее и предотвратить развитие инфаркта.

В свою очередь руководитель кардиологического центра, заведующий кафедрой кардиологии Академии постдипломного образования ФГБУ ФНКЦ ФМБА России Давид Дундуа называет главной мерой профилактики сердечно-сосудистых заболеваний проведение регулярных медосмотров.

– **Каждому человеку старше 45 лет необходимо посещать кардиолога не менее одного раза в год и поддерживать в норме несколько важных показателей, влияющих на сердечно-сосудистую систему: массу тела, давление, уровень холестерина и глюкозы, – заключает врач.**

Мария ФРОЛОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

БЕМОР, ТАЯНЧ ҲАРАКАТ ТИЗИМИДАГИ МУАММОДАН ҚУТИЛДИ

Соғлиқ-бу бебаҳо неъмат. Аммо, лекин, бу неъматнинг қадрига ҳамма вақтида ҳам етавермаймиз. Бетоблиги сабаб шифохона эшигида навбат кутган, дори ҳиди анқиб турган шифохона шифтларига термулганча, даво умидида умр ўтказайтган кишигина, бу неъматни қадрини яхши билади.



Умрини каттагина қисмини кишлоқ хўжалиги соҳаси, унинг эртанги истиқболи учун бахш этган, Сирдарё туманининг Охунбобоев маҳалласида истиқомат қилаётган Мусурмон Ашуралиев ҳам 2019 йилга қадар бу ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаганди. Ҳаёт шундай, бир зайил-

да давом этади деб ўйлаганди. Минг афсуслар бўлсин-ки, ўша йили у чуқур инфарктни бошдан ўтказди. Ҳаётининг маълум бир қисми шифохонада, уйда ўтди.

– Яратганга шукур, ризқ-насибам узилмаган экан. Шифокорлар ёрдами билан қайта ҳаётга қайтдим. Болаларим, яқинларим

ёнимда, бундан ортиқ бахт борми инсонга, – дейди Мусурмон Ашуралиев.

Аммо, дард келса, кўша-кўша келади деган гап бор. Ўйлаб қарайдиган бўлса, рост гапга ўхшайди. 2021 йилга келиб, Мусурмон Ашуралиевни таянч тизими билан боғлиқ муаммо қийнай бошлади. Яна шифохонага, у ердаги малакали мутахассисларга мурожаат қилди. Зарур текширувлардан ўтгач, унга диспластик коксартроз ташхиси қўйилиб, таянч ҳаракат тизими билан боғлиқ мураккаб ва юқори технологик жарроҳлик амалиёти ўтказилиши зарур эканлиги тўғрисида унга, унинг яқинларига айтишди. Ушбу турдаги амалиёт каттагина харажат талаб этганлиги боис, ўз вақтида ўтказилмай қолиб кетди. Хуллас, кичик муаммо, бора-бора катта муаммога айланди. Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш тизимига бўлган эътибори, аҳолини тиббиётга эмас, тиббиётни аҳолига янада яқинлаштириш мақсадида олиб бораётган ислохотлари сабаб, Мусурмон Ашуралиев ушбу дарддан бутунлай қутилди. Энг қувонарли томони, бу борадаги амалиёт Гулистон тиббиёт кластерда, унинг неротравматология бўлимида, бўлим бо-



шлиғи, ортопед-травматолог Савара Туйчиева, у бошчилигидаги ортопед-травматологлар Муҳиддин Эшбоев, Охунжон Ҳасановлар ҳамда Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказининг, ортопед-травматологи Сардор Қахрамонов томонидан муваффақиятли ўтказилди.

Дори-дармон, амалиёт учун зарур бўлган маблағ Давлат тиббий сугуртаси жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилди. Айни вақтда, бемор саломатлиги анча яхши. Шифокорлар назорати остида даво муолажаларини оляпти.

– Бунинг учун, энг аввало Президенти-мизга, саломатлигимни тиклашга, таянч ҳаракати тизими билан боғлиқ муаммодан қутилишга ёрдам берган, сирдарёлик ва пойтахтлик мутахассисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман, – дейди Мусурмон Ашуралиев.

Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот хизмати.

БИЛАСИЗМИ?

ФАРЗАНД ТУГИЛГАНДА "СУЮНЧИ ПУЛИ" НИ ОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

“Халқ тилида “Суюнчи нафақаси” деб аталадиган бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳар бир туғилган фарзанд учун тўлаб берилди.

Маълумот учун: бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа суммаси - меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 70,3 фоизи деб белгиланган. Яъни ҳозирги кунда 688 940 сўмни ташкил этади.

Суюнчи нафақасини олиш учун қаерга мурожаат қилиш керак?

Аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, бунда фуқароларнинг овозгарчиликларини бартараф этиш мақсадида “суюнчи нафақаси”ни тайинлаш бўйича хизматлар 2020 йилдан бошлаб, фуқаронинг мурожаатисиз композит шаклида амалга оширилмоқда. Яъни,

бугунги кунда бола туғилганда болага бериладиган фамилия, исм ва ота исми, ота-она ва уларнинг никоҳи, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги барча маълумотлар тиббиёт муассасаси (туғруқхона, шифохона туғруқ бўлими, оилавий поликлиника) томонидан «Туғилиш ва ўлимни, шу жумладан перинатал ўлимни электрон рўйхатга олиш» автоматлаштирилган ахборот тизимига киритилади.

Пенсия жамғармаси томонидан барча зарурий маълумотлар тиббиёт муассасаси ва ФХД

ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган ҳолда “Суюнчи” нафақаси автоматик равишда тайинланади. Бунда, боланинг отаси ёки онаси Пенсия жамғармасига мурожаат қилмасдан тўғридан-тўғри Халқ банкнинг исталган филиалига мурожаат қилиш орқали “суюнчи” нафақасини олиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, фуқаронинг хоҳишига кўра ушбу нафақалар Халқ банкига ҳам мурожаат қилмасдан уларнинг банк картасига юклаб берилиши мумкин.

Маълумот учун: бола туғилганда бошлаб 6 ой муддат ичида бир марталик нафақа пулини олиш учун Халқ банкнинг исталган филиалига мурожаат қилиш мумкин. Нафақа тайинлаш ва тўлаш жараёнлари осонлаштирилганлиги натижасида ушбу нафақани олувчилар сони ошди. Мисол учун, статистик маълумотларга мувофиқ, 2022 йилда туғилган болалар сони



932,2 мингтани ташкил этган бўлса “суюнчи” нафақаси 922,4 минг нафарига (ёки 98,9%) тўлаб берилган. Таққослаш учун, 2018 йилда туғилган болалар сони

768,5 минг нафарни ташкил этиб, “суюнчи” нафақасини олиш учун 681,7 минг нафар (ёки 88,7%) мурожаат қилган.

@yuristkadr



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилмиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015–рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев
Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2–қават. Тел/факс: (71)233–13–22, тел.: (71)233–57–73.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй/Тел/факс: (71)233–11–07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади - 692 дона.
Буюртма рақами Г-1035.

Босмахонага топширилиш вақти:
21-00. 3 4 5 6 7
Топширилди 20-00.